

УДК. 757.1(575)

## БИНОЛАРДА ГАНЧ ЎЙМАКОРЛИГИНИНГ ҚЎЛЛАЛАНИЛИШИ

Р.И.Алимджанов

доцент в.б., Тошкент архитектура қурилиш университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10079965>

**Аннотация:** Ушбу мақолада қадимий санъат турларидан бири ганч ўймакорлик санъати, унинг Ўзбекистонда ривожланиши, бизгача сақланиб келган маданий мерос объектлари, ҳамда ушбу санъат турини ривожлантиришда ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшган машҳур устоздаларнинг бажарган бебаҳо ижодий ишларидан бир қанча намуналар ҳақида умумий маълумотлар ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** Ганч, ўйма, гипс, қоришма, чока пардоз, занжира, ислими, нақш, ритм, шарафа, рута, муқарнас.

### ВЫВОД УСИЛЕНИЯ РЕЗКИ В ЗДАНИИ

**Аннотация:** В данной статье представлены общие сведения об одном из древних видов искусства, искусстве резьбы, его развитии в Узбекистане, объектах культурного наследия, сохранившихся до нас, а также некоторые примеры бесценного творчества известных мастеров, создавших большой вклад в развитие этого вида искусства.

**Ключевые слова:** Ганч, резьба, гипс, смесь, чока пардоз, занжира, ислими, узор, ритм, шарафа, рута, муқарнас.

### OUTPUT OF REINFORCED CUTTING IN A BUILDING

**Abstract:** This article provides general information about one of the ancient art forms, the art of carving, its development in Uzbekistan, objects of cultural heritage that have been preserved to us, and some examples of the invaluable creative works of famous masters who made a great contribution to the development of this art form.

**Keywords:** Ganch, carving, gypsum, mixture, choka pardoz, zanjira, islimi, pattern, rhythm, sharafa, ruta, muqarnas.

### КИРИШ

Ганчкорлик қадимий санъат турларидан бири булиб, ўз акси ҳусн-жамолини дунё меъморчилигида, шу жумладан Ўрта Осиё, Эрон, Туркия, Арабистон, Афронистон ва бошқа Шарқ мамлакатлари меъморчилигида намоён этиб келмоқда. Айниқса, Ўрта Осиёда яратилган асарлар ўзига хос бадиийлиги композицияси ва ишланиш услуби билан фарк қилади. Хозирги кунда ганч ўймакорлиги серкуёш Ўзбекистонимизда ардоқланиб, авайлаб муҳофаза қилинаётган кўпгина ёдгорлик обидаларига кўркамлик, гўзаллик бахш этиб турибди. У Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Қўқон, Марғилон, Хива, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарлардаги тарихий обидаларни қуриш ва безатишда ишлатилган.

### ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДИ

Ганч қоришмаси янгиллигида осон кесилади, ундан ҳоҳаганча шаклларни ўйиш, ясаш мумкин, лекин у қотгандан сўнг қаттик тошга ўхшаб қолади. Усталаримиз унинг бу ажойиб хусусиятидан қадимдан фойдаланиб келганлар. Шу тариқа ҳозиргача бу ҳунар авлоддан-авлодга ўтиб тарихий анъана сифатида ривожланиб бормоқда. Ганчкорлик-санъатимиз фаҳри, бекиёс ва бебаҳо хазина. Хеч шубҳасизки, уни чуқур ўрганиш илмий ва амалий аҳамиятга эгадир. Ганч ўймакорлиги санъати асрлар давомида ўзига хос услуб билан ривожланиб келди. Бу санъатнинг энг қадимги, ўрта асрлардаги ва XX асрдаги ривожланишини кўздан кечириб, ўрганиб чиқсак бу даврлардаги ганч ўймакорлиги бир биридан мутлақо фарқ қилади. Қадимги ганч ўймакорлиги ҳажмий бўлиб,

реалистик тасвирлар асосида ишланган. Уларда кўпинча одамлар, ҳайвонлар, қушлар тасвири ишлатилган. Эрамизнинг биринчи асрларидаёқ кишилар ганчни ажойиб хусусиятга эга эканлигини билиб, қалъалар, карвонсарой ва бошқа жойларни безай бошлаганлар. Бўлиб ўтган жанглари оқибатида улар вайронага айланиб, фақат қолдиқлари сақланиб қолган.

III асрда Тупроққалъанинг серхашам сарой меҳмонхоналари ўйма ганч билан безатилган. Варахша шаҳарчасида жуда катта аҳамиятга эга бўлган ва эрамиздан аввалги III — IV асрларда ишланган ганч ўймакорлиги намунаси топилган. Унда ўсимликсимон нақшлар, геометрик шаклли нақшлар ганчдан ишланган. Айниқса горельефли ишланган балиқ тасвирида ўйилган ганч намунасини кўрсатиш мумкин. Варахшадаги топилмалардан VII— VIII асрлардаги Бухоро саройи қолдиқларидан намуналар топилган. Бу топилмаларда қушлар, ҳайвонлар, балиқларни, ўсимликсимон ва геометрик шаклларнинг ўйма намуналарини кўриш мумкин. Ўрта Осиёга ислом дини ёйилганидан сўнг, бино ва иншоотлар архитектураси ва интерьер беагида тирик мавжудотни тасвирлаш таъқиқланди. Буни Ўрта Осиёдаги архитектура ёдгорликларидан кўриш мумкин. Хусусан

VII— VIII асрлардаги ҳукмдорларнинг Варахшадаги саройларида бу санъатнинг хилма хил намуналари сақланган. Бухородаги Исмоил Сомонийлар мақбарасида ганч ўймакорлиги намуналарида тўлқинсимон ишланган нақшлар топилган. Унда ўсимликсимон нақшнинг ислими тури кўп ишлатилган. X— XI асрларда наққошлик, ёғоч, тош ва ганч ўймакорлиги янада ривожланди. Мураккаб абстракт тасвирни акс эттирадиган нақшлар пайдо бўлди. Ганч ўймакорлиги ишлари уйнинг ички ва намгарчилик тегмайдиган ташқи қисмига ҳам қўлланилган. Ҳар хил геометрик шаклли қилиб ғишт териш ривожланган.



1-расм. Сомонийлар мақбараси (X-аср бошлари)



2-расм. Ўзбекистон амалий санъат музейи.

Афросиёбда археологик қазилмалар натижасида X — XI асрларда ишланган саройларнинг қолдиқлари топилган. Айниқса изора (панел) ганчи топилган бўлиб, унда геометрик ва ўсимликсимон нақшнинг чуқур ўймалари ишлатилган. Ўйма чуқурлиги 2—3 см гача борган, нақш қорамтир соя ҳисобига аниқ, оппоқ бўлиб кўриниб турибди. Ганч деворга қалин қилиб сувалган, нақш тасвири деворнинг сиртига тўғридан-тўғри чизилиб ўйилган.

### НАТИЖА

Ўша давр усталари ахгадан (улгудан) фойдаланмаганлар. Биноларнинг ташқи қисмига эса қўйма асосида ганч ишлари бажарилган. III асрга бориб мураккаб нақшлар пайдо бўлди. Усталар табиатдан ўсимлик ва ҳайвонларнинг тасвирини стиллаштириб, ганч уймакорлигида ишлатганлар. Шу деворларда ўйманинг чуқурлиги 7 мм дан ошмаган. Ўйларнинг ташқи қисмига намоён, усгун ва пештоқларига ганч ўйма ишлатилган. Фарғона водийсида XII асрда безак сифатида ҳар хил плиткасимон ўйма ганч намуналари ишлагилган. Бу биноларни ганч плиталари билан безатиш кенг авж олганлигини кўрсатади. Узган (Ўш вилоятида) ёдгорликлари шартли равишда шимолий, ўрта, жанубий деб номланган мақбараларнинг интерьерлари, девор пештоқлари, равоқлари жуда ҳам нафис ўйма нақшлар билан ишланган. Мавороуннаҳрда ганчкорлик санъати, айниқса раванк топган, меъморчиликнинг асосий беағи даражасига кўтарилган. Унда фантастик ҳайвонларнинг тасвирини кўриш мумкин. Термиз мақбараларидаги ганч уймакорлик санъатини ўша даврнинг юқори чўққиси деса бўлади. XII асрда муқарнаслар (сталактитлар) ҳосил бўлди ва кўпгина биноларда қўлланила бошланди. Муқарнаслар оддий ганч ўймакорлигидан фарқ қилиб, анча мураккабдир. У тахмон ва бошқа жойларда безак сифатида қўлланила бошланди. Биноларнинг ички қисмларига ишланган муқарнаслар айниқса ажралиб туради. XIII асрда ганчкорлик санъаги янада юксалди, Бунга Афросиёбда топилган ажойиб ганч ўймакорлиги ишлари мисол бўла олади. XIV—XVIII асрларда ҳам биноларнинг ички томонларини безатишда ганчкорлик санъатидан фойдаланилган. Бу даврларда янги-янги нақшлар яратилди. Биноларда ганч ўймакорлиги, узвий боғпанган кошинлар ва тошдан

ясалган безаклар кенг ишлатила бошланди. Кошин ва тошдан ўйилган безаклардан фойдаланиш натижасида ганчкорлик аста-секин минораларнинг ички қисмида қўлланиладиган бўлди. Унинг ташқари қисмида эса жуда кам қўлланилди. Ганч ўймакорлигида машҳур бўлган XVIII аср устаси Уста Мулла Обид, унинг фарзанди Муҳаммад Мусо отасининг касбини қунт билан эгаллаб, ўша вақтда халқни таниқли усталаридан: Муҳаммад Мусо ўғиллари Мадусмон, Исохон ва Юсуфалилар ганчкорликда бир канча вақт ишлашган, ғишт теришда ҳам обрў қозонишган. Ганчкорликнинг гуллаб яшнаган даври XVIII асрнинг охири — XIX асрнинг бошлари бўлди. Унинг услублари, техникаси анча мураккаблашди. Ганч ўймакорлигининг барча турлари ривожланди. Қурилган биноларда халқ усталари ёрқин жилвали бўёқлар билан ганчга жило бердилар. Безакларнинг ҳамма турларига хос аниқ композицион қонунлар ишлаб чиқилди. Тошкент, Самарканд, Бухоро, Фарғона водийси ва Хивада ўзига хос мустақил мактаблар вужудга келди. Ганч ўймакорлиги техникаси кишини қойил қолдирадиган даражада ўсди. Бухоро безаклари майин, гуллари жуда ҳам нафис, Марғилоннинг гулдор безаклари яхлит кўринишга эга, Тошкентники эса қатъий ва аниқ ригм асосида тузилган, Хиванинг динамик ўйма нақшлари ўзига хос спиралсимонлиги билан фаркланади. XIX асрнинг бошларида буюк ганч ўймакорларидан Абдурахим Ҳаётгов, Уста Мурод, Уста Фузайл, Уста Носир, Уста Ҳаёт Носиров, Уста Ҳсжи Хофиз, Уста Насруллобой, Уста Абдужалил, Уста Азим, Уста Омонулло, Уста Ғофур, Уста Иброҳим, Уста Саври, Уста Абдуфаттоҳ ва бошқалар фаолият кўрсатдилар. Аср бошларидаги ишларда эса ўйма рельефли жуда майин услуб техникаси пайдо бўлди. Рангли ганчлар, бўёқлар, нақш ва тасвирлар қўлланиладиган бўлди. Бойлар, амалдорлар, хонлар ўзларига саройлар, боғлар ва қасрлар қурдириб, уларни ўйма ганч билан безаттирдилар. XX асрнинг бошларида дипломат амалдор А. Половцев Тошкентда яшарди. У Туркистон археологияси хаваскорлари тўғрагага аъзо бўлиб, шарқ маданиятига жуда қизиқар эди. Шунинг учун у ўзига европача уй қурдирди. Бино баланд айвон, меҳмонхона, ётоқхона ва бошқа хоналардан иборат эди. А. Половцев ўзбек халқи санъатини яхши биладиган этнограф М. С. Андреевни безак ишларига бошлиқ қилиб тайинлайди. У ўзбек халқи санъати намуналарини йиғиб, уларни ўрганишга ҳаётини бахшида этган ажойиб этнограф олим эди. Бу бинони безашга Тошкентдан ташқари Куқон, Бухоро, Фарғона ва бошқа шаҳарлардан ганч ўймакорлар, ёғоч ўймакорлари ва наққошлар таклиф қилинди. Шулар жумласидан Уста Ширин Муродов, Уста Арслонқул Назаров, Уста Усмон Икромов, Тошпўлат Арслонкулов ва бошқа ганч ўймакорлар ҳам бор эди. М. С. Андреев ганчкорлик ишларини усталарга тақсимлаб берди, чунончи Тошкент усталарига айвон, меҳмонхонанинг шарқий ва шимолий деворлари, тоқча, ғарбий ва жанубий деворларни безатиш Бухоро усталарига топширилди. 1902—1903 йилларда европача қурилган уй ўзбек миллий беагида пардоз қилинди. Бинонинг айвон, катта зали ва ётоқхонаси жуда жимжимадор қилиб безатилган. Айниқса, Тошкент ганчкорларининг ишлари ўзига хос характерда бўлиб, ўйма нақш композициясида катта шобарг ва тўпбарглар йирик жимжимадор қилиб безатилган. Бу ерда пардознинг ҳамма турлари қўлланилган. Деворларга ўйилган ганч ўймакор намоёнлар вертикал ҳамда горизонтал жойлаштирилган, атрофи геометрик, майда энсиз занжир, ислими ҲОШИЯ нақшлар билан безатилган. Намоёнлар худди юқорига қараб ўсаётган табиат ўсимликларини эслатади. Пардоз турлари хонага тушаётган ёруғлик ҳисобига жуда ўринли танланган. Деразадан тушган ёруғлик ўймани

янада бадийлаштирган. Намоёнга назар ташлаб турган киши хох, узоқдан, хох, яқиндан карамасин, у ўзига хос жозибага эга эканлигини кўради.

### ХУЛОСА

Албатта, усталар буларни аввалдан ҳисобга олганлар. Намоёнлар худди гўзал табиат манзарасининг нафис тасвирини эслатади. Ўйма ганч заминлари ажойиб рангларда берилган. Бу бино XX асрнинг бошларидаги энг кўзга кўринган архитектура ёдгорлиги бўлиб қолди.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Қосимов Э.Қ. “Қурилиш ашёлари” Тошкент-2003 йил.
2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси Тошкент-2001 йил.
3. Технология вяжущих веществ М. 2000 г.
4. С.Булатов “Ганчкорлик” Тошкент-1996 йил.
5. С. Булатов, А. Мухторов “Ганчкорлик санъати” <<Музыка>> нашриёти Тошкент 2006
6. AMALIY SAN’AT TURLARI “Durdona” nashriyoti Buxoro – 2020
7. М.Мухамедова “МЕ’МОРЧИЛИК АСОСЛАРИ” Т. - «Fan va texnologiya» - 2018
8. ABDUJABBOR KABIROV QADIMGI SHARQ TARIXI TOSHKENT - 2016 “Tafakkur” nashriyoti
9. Abdullayev N.U. «San`at tarixi» Tom-1, Toshkent O`qituvchi, 1986 y. (107-117)
10. ISSN: 2181-3337 SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL <https://doi.org/10.5281/zenodo.6590401>
11. Алимджанов Р.И., Иногамов Б.И., Аллаяров К.О «Science and innovation» xalqaro ilmiy jurnali Volume 1 Issue 8, Maqola nomi: ГИЛ, ЦЕМЕНТ, ГИПС ВА ГРАНИТ КАБИ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАМДА ИШЛАТИЛИШИ 15.12.2022й. 769 - 774 - бетлар
12. Алимджанов Р.И., Аллаяров К.О., Шамахмудова М.Х., 3-босқич талабаси Икромжонов А.Р МЕ’МОРЧИЛИК va QURILISH MUAMMOLARI (ilmiy-texnik jurnal) 2023 йил № 1-сон (2-қисм) Maqola nomi: ҚУРИЛИШ ВА БЕЗАК МАТЕРИАЛЛАРИ ҚАТОРИДАН ЎРИН ОЛГАН ГИПСНИНГ ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАМДА ИШЛАТИЛИШИ (32-33-бетлар)
13. Алимджанов Р.И. “МИРЗО УЛУҒБЕК ДАВРИ АРХИТЕКТУРА ЁДГОРЛИКЛАРИДА БЕЗАК ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ ҚўЛЛанилиши” АРХИТЕКТУРА. ҚУРИЛИШ. ДИЗАЙН. Илмий-амалий журнал 2017 й. махсус сон АРХИТЕКТУРА. СТРОИТЕЛЬСТВО. ДИЗАЙН. Научно-практический журнал 2017 г. 66-68- бетлар
14. Пўлатов Х.Ш. ва бошқалар “Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш” Дарслик.- Тошкент.: 2009 й.
15. Ozodovich, X. A., Iqramovich, A. R., & Shaxnazarovich, R. L. (2021). Location of auxiliary rooms inside the living rooms in bukhara traditional residential areas.
16. Inog'omov, B., & Alimdjanov, R. (2022). СПОРТ ИНШООТЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШДА ҚўЛЛаниладиган КОНСТРУКЦИЯЛАРНИНГ ўзига хос жиҳатлари Тўғрисида. Science and innovation, 1(C8), 344-348.
17. Inogamov, B., Alimdjanov, R., & Allayarov, K. (2022). ГИЛ, ЦЕМЕНТ, ГИПС ВА ГРАНИТ КАБИ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАМДА ИШЛАТИЛИШИ. Science and innovation, 1(A8), 769-774.

18. Inog'Omov, B., & Alimdjanov, R. (2022). СПОРТ ИНШООТЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА. *Science and innovation*, 1(С8), 344-348.
19. Allayarova, K., Alimdjanov, R., & Shomaxmudova, M. (2022). ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ЛЕЧЕБНО-ОЗДОРОВИТЕЛЬНОГО ТУРИЗМА. *Science and innovation*, 1(С8), 340-343.
20. Kosimov, I. (2018). Gallery of the dam to keep the entrance of the precipitation and washing to remove sediment, water reservoirs accumulated precipitation pipeline cleaning methods. Role of the using innovative teaching methods to improve the efficiency of education. Россия. Г. Москва-2018.
21. Хасанов, А. Н., Аббасова, Р. К., & Маърибович, Қ. И. (2022). КАСБ ХУНАР МАЖМУАЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШ ТАРИХИ (ФАРФОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА). *Journal of new century innovations*, 19(1), 198-204.
22. Maribovich, Q. I. (2023). Architectural Improvement of Professional Centers. *Nexus: Journal of Advances Studies of Engineering Science*, 2(3), 85-91.
23. Madamiovna, K. D., & Maripovich, K. I. (2023). The Role of Towns and Baths in Community Life And. *European Journal of Contemporary Business Law & Technology: Cyber Law, Blockchain, and Legal Innovations*, 1(2), 39-42.
24. Ozodovich, H. A., & Maribovich, Q. I. (2022). Improving the Design of Youth Innovative-Creative and Development Scientific Centers. *Eurasian Scientific Herald*, 7, 72-76.
25. Dedakhanov, B., & Kasimov, I. (2022). ANCIENT ARCHITECTURE OF THE FERGHANA VALLEY FEATURES OF FORMATION AND DEVELOPMENT (ON THE EXAMPLE OF CIVIL ARCHITECTURE AND URBAN PLANNING). *Science and innovation*, 1(С6), 278-284.
26. Ozodovich, H. A., Maribovich, Q. I., & Zarina, B. (2023). KASBGA YO'NALTIRISH MARKAZINI INNOVATSION LOYIHASI TAKLIFI "KIDZANIA JOB WORLD IN TASHKENT". *PEDAGOG*, 6(1), 120-129.
27. Maribovich, Q. I. (2022). Scientific Proposals for Architectural Improvement of Engineering Centers. *Nexus: Journal of Advances Studies of Engineering Science*, 1(6), 59-63.
28. Хасанов, А. О., & Қосимов, И. М. (2023). ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ МАРКАЗЛАРИНИ АРХИТЕКТУРА ТАКЛИФИ. *Journal of new century innovations*, 21(1), 144-150.
29. Хасанов, А. О., & Қосимов, И. М. (2023). ЖАМИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ МАРКАЗЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ. *Journal of new century innovations*, 21(1), 136-143.